

Оиша розияллоху анходан ривоят килинади. «Улар: «Эй, Аллохнинг Расули, жохилиятга якин бўлган кавмлар бизга гўштар келтирурлар. Уларга Аллохнинг исми айтилганми ёки айтилмаганми билмаймиз, уларни ейяверайликми?» дедилар. Бас, у зот:

«Аллохнинг исмини айтиб ейяверинглар», дедилар». Абу Довуд, Бухорий ва Насай ривоят килган.

Шарх: Ушбу хадисни имом Молик ҳам ривоят килиб, охирида, «бу Исломнинг аввалида бўлган эди»ни зиёда килган эканлар. Ана шундан ушбу хадиси шариф насх килинган ва унга амал килиш тўхтаган.

Сўйиш вақтида «Бисмиллах»ни айтиш сўйишнинг икки шартидан биринчиси хисобланади. Бунга бир неча далиллар бор:

1. Аллох таоло «Хаж» сурасида куйидагиларни айтади: **«Ва туяларни сиз учун Аллохнинг нишонларидан килдик. Уларда сизга яхшилик бор. Уларга олд оёқларидан бири боглик турган холида Аллохнинг номини зикр килинг. Ёнлари ерга текканида эса, бас, улардан енг ва каноатли ва тиланган камбагалларни ҳам таомлантиринг. Шундай килиб, Биз уларни сизга бўйинсундириб кўйдик. Шоядки шукур килсангиз».**

Аллох субхонаху ва таоло ушбу ояти каримада курбонлик килинадиган хайвонларнинг энг каттаси бўлмиш туя хакида сўз юритмокда.